
ФАРҒОНАДА МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА ЯНГИ УЙЛАР ТОПШИРИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони Лутфулла Бузруков, вилоят секторлари раҳбарлари, вилоят Мудофаа ва Хавфсизлик тизимлари раҳбарлари Фарғона шаҳри Тарона кўчасида бунёд этилган 3 та 16 қаватли 192 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли турар-жой биносининг тантанали очилиш тадбирида иштирок этдилар.

Маросимда сўз олган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров тадбир иштирокчилари – ҳарбийларни байрам билан қутлаб, юртимизда мустақиллик байрами шукуҳи кезаётган шу кунларда ҳарбийларга эътибор ва рағбатнинг яна бир намунаси сифатида топширилаётган уйлар Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа ва Миллий гвардия ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун ҳақиқий кичик Ватан бўлишлигига тилак билдирди.

Тадбирда ҳарбий хизматчиларга хонадон калитлари тантанали тарзда топширилди.

Меҳмонлар янги уй эгалари хонадонида бир пиёла чой устида дилдан суҳбат қуриб, янги уйлардаги шароитлар билан танишдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-30 23:43:40